# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 19 апрель, № 76 (8699) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Ўзбекистон — Тожикистон:

# ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ТЎЛИҚ МОС КЕЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 18 апрель куни давлат ташрифи билан Душанбе шаҳрига келди.**



Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари нафақат қўшни, балки асрлар давомида қондошу қардош бўлиб, бир булоқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ягона осмон остида бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб келган, яхши-ю ёмон кунларда елкама-елка туриб, қийинчиликларни енгиб ўтган. Ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирига мустаҳкам боғлаб туради.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли кейинги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги янада мустаҳкамланди.

Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди ва икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди. Ўзбекистон Президентини кутиб олишда Тожикистон ёшлари ва ижодий жамоалари вакиллари ҳам қатнашди.

Сўнг Президентимиз “Дўстий” майдонига ташриф буюриб, Исмоил Сомоний ҳайкали пойига гул қўйди.

Душанбедаги “Қасри Миллат” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янграnumbers.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказди.

Сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар Марказий Осиёнинг манфаатларини илгари суриш ва унинг барқарор тараққиётини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида минтақавий тузилмалар ва халқаро ташкилотлар доирасида конструктив ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттиришга интилишларини тасдиқладилар.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартноманинг имзоланиши Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш экани таъкидланди.

Шу маънода, иттифоқчилик муносабатларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш барча даражадаги мулоқотлар натижадорлигини оширишни тақозо этиши қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, охирги йилларда товар айирбошлаш ҳажми 40 баробар ўсди. Қўшма корхоналар сони 15 баробар кўпайди.

Ҳукуматлар олдига товар айирбошлашни 2 миллиард долларга етказиш, шу жумладан, ўзаро маҳсулот етказиб бериш номенклатурасини кенгайтириш, чегараолди савдо зоналарини тезкор ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Ташриф арафасида Ўзбекистон — Тожикистон бизнес форуми муваффақиятли ўтказилган бўлиб, унинг якунида янги кооперация лойиҳалари ва савдо шартномаларининг катта портфели шакллантирилди.

Машинасозлик, электротехника, энергетика, кончилик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларидаги ўзаро манфаатли лойиҳалар шулар жумласидан.

Томонлар кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ режаларни ҳам белгилаб олдилар. Шу мақсадда қўшма Инвестиция компаниясининг салоҳиятидан фойдаланилади.

Маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Кинотомошалар, концертлар, спектакллар, кўргазмалар ва ёшлар форумлари мунтазам ўтказилиши таъкидланди. Таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ҳамёнбоп туризм дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари Президент Эмомали Раҳмонни ўзига қулай бўлган вақтда Ўзбекистонга ташриф билан келишга таклиф қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада чуқурлаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

— Кейинги йилларда олий даражадаги ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш руҳидаги фаол мулоқот натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу билан бирга, кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият ва катта имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

— Бугун имзоланаётган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартномани амалга ошириш учун барча даражаларда — парламентлар, ҳукуматлар, ташқи сиёсий идоралар, вазирлик ва ҳудудлар ўртасидаги мулоқотлар самарадорлигини ошириш лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентлар чуқур саноат кооперациясини рағбатлантириш учун энергетика, электротехника, металлургия, қазиб чиқариш, тўқимачилик, фармацевтика, агросаноат ва бошқа тармоқларда муҳим лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш бўйича қатъий келишувларга эришилганини олқишладилар.

Сувдан фойдаланиш масалаларида конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз ҳудудлараро ҳамкорлик учун катта салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ташриф доирасида эришилган битим ва келишувларни тўлиқ амалга ошириш муҳимлигини қайд этди.

Транспорт ва транзит ташишлар соҳасидаги ҳамкорлик стратегик йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилди. Президентлар бу борада ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш ҳамда ҳаво ва темир йўллари орқали ташишларни ривожлантириш, транзит юк ташишлар ҳажмини ошириш учун қулай шароитлар яратишни қўллаб-қувватладилар.

Томонлар маданий-гуманитар алмашинувни янада фаол қўллаб-қувватлашга аҳдлашиб олдилар.

Замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашишда яқин алоқаларни давом эттириш, Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёрлик билдирилди.

Йиғилиш давомида Бош вазирлар ўринбосарлари, транспорт, энергетика ва қишлоқ хўжалиги вазирларининг кун тартиби юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари қўшма “Йўл харитаси”ни тайёрлаш ҳамда эришилган келишувларни самарали амалга ошириш механизмларини йўлга қўйишга топшириқ бердилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари ҳузурида икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Умуман, ташриф давомида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг деярли барча йўналишини қамраб олувчи 28 та ҳужжат, жумладан:

— Саноат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Саноат мулкини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик тўғрисида битим;

— давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари, халқаро автомобиль ва авиация қатновлари тўғрисидаги битимларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённомалар;

— Ветеринария ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— маданият ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик, агросаноат мажмуидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”;

— Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Сўғд вилояти, Қашқадарё вилояти ва Хатлон вилояти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар ва 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган “йўл хариталари” ҳамда бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон муштарак тарихий мерос, маънавий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш бўйича самарали фаолияти, шунингдек, биродар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун икки мамлакат маданият ва санъат арбобларининг бир гуруҳига фахрий унвонлар бердилар.

Мамлакатимиз етакчисининг давлат ташрифи доирасида ушбу унвонлар билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тожикистон миллий консерваторияси ректори Мирали Дўстизода, Тожикистон миллий консерваторияси доценти Исмоил Назриев, Тожикистон Ҳукумати ҳузуридаги Телевидение ва радио қўмитасининг Ф. Шахобов номидаги шашмақом ансамбли раҳбари Фурқат Саидзода, Бобожон Ғафуров тумани шашмақом ансамбли раҳбари Тўлқин Тожибоев, А. Жўраев номидаги Тожикистон давлат филармонияси “Фалак” ансамбли бадиий раҳбари Раҳматулло Ҳошимов “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвонига сазовор бўлди.

Ўзбекистон миллий мусиқа санъати институти Мақом хонандалиги кафедраси профессори Муножатхон Йўлчиева, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков, Ўзбекистон давлат филармонияси “Лазги” ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Оғабек Собиров ва хонанда Юлдуз Усмоновага “Тожикистон халқ ҳофизи” фахрий унвони, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиевга “Тожикистон халқ артисти” фахрий унвони берилди.

Давлат раҳбарлари фахрий унвонлар нишонларини ўз соҳибларига тантанали равишда топширдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон олий даражадаги музокаралардан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот билан чиқдилар.

Ўзбекистон Президенти Тожикистон Президенти ва халқига ҳар доимгидек илиқ ва самимий қабул учун дилдан миннатдорлик билдирди.

Томонлар дўстлик ва ишонч муҳитида ўтган олий даражадаги учрашувлар якунларини юксак баҳоладилар.

— Яна бир бор таъкидлайман, Тожикистон Ўзбекистон учун энг яқин, ишончли, асрлар билан синалган стратегик шерикдир. Биродар ўзбек ва тожик халқлари кўп асрлик дўстлик ришталари билан чамбарчас боғланган. Бизни умумий тарих, маданий ва маънавий қадриятлар, анъана ва урф-одатлар бирлаштириб туради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қардош халқларимизнинг туб манфаатларига тўлиқ мос бўлган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ушбу ташрифнинг чинакам тарихий натижаси бўлгани қайд этилди:

— Бу қадам билан Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик ва иттифоқчиликни чуқурлаштириш бўйича ортга қайтмас йўлдан юришга қатъий интилишимизни тасдиқладик. Ушбу муҳим ҳужжат, ҳеч муболағасиз, икки томонлама муносабатларда янги тарихий даврни англатади, — деди давлатимиз раҳбари.

Савдо ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамкорликнинг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Кейинги йилларда бир неча ўн карра кўпайган товар айирбошлаш барқарор ўсиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Икки мамлакат ҳукуматлари олдига товар айирбошлашни, шу жумладан, учинчи мамлакатлардан импортнинг ўрнини фаол тўлдириш орқали 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Куни кеча ўтган бизнес форумида салмоқли шартномалар ва битимлар тўплами имзолангани ушбу мақсадга хизмат қилади.

Шунингдек, “Ойбек — Фотеҳобод” чегараолди эркин савдо зонаси ва “Андархон” савдо-логистика марказини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида саноат кооперациясида, энг аввало, икки мамлакат бир-бирини тўлдириб турган анъанавий тармоқларда янги ўсиш нуқталари белгилаб олинди.

Машинасозлик, энергетика, электротехника, металлургия, қазиб чиқариш, тўқимачилик, фармацевтика, агросаноат ва бошқа устувор тармоқлардаги қўшма лойиҳалар шулар жумласидан.

Бундай муҳим лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компаниясининг салоҳиятидан самарали фойдаланилади.

Сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш соҳасида конструктив ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлик билдирилди.

Ҳамкорликнинг яна бир стратегик йўналиши — икки мамлакат транспорт-транзит салоҳиятини ошириш учун қулай шароитлар яратиш.

Йўловчи ва юклар ташиш ҳажмини ошириш, замонавий чегараолди ва божхона инфратузилмасини яратиш бўйича қўшма чоралар кўрилади.

Ҳудудлараро ҳамкорлик салоҳиятини фаол ишга солиш зарурлиги қайд этилди.

Кўргазмалар, театрларнинг ижодий сафарлари, ёшлар ва таълим форумларини мунтазам ўтказиш, спорт дастурларини амалга ошириш, туризм хизматларини кенгайтириш орқали маданий-гуманитар алмашинувни чуқурлаштириш масалалари музокаралардан муҳим ўрин эгаллади.

Томонлар ушбу тарихий ташриф, унинг самарали натижалари ва имзоланган муҳим ҳужжатлар икки мамлакатнинг жадал тараққиётига хизмат қилиши, биродар Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг умумий фаровонлигини таъминлашига ишонч билдирдилар.

Душанбе шаҳридаги “Кўҳи Борбад” санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида “Дўстлик оқшоми” бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон концертни биргаликда томоша қилдилар.

Икки мамлакат санъат усталарининг бундай концертлари халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстликни ифодаловчи яхши анъанага айланган. Зеро, меҳр-оқибатли бўлиш, тинч-тотув яшаш — халқларимизнинг азалий орзуси ва самимий интилишидир. Бугун ушбу орзу-интилишлар ҳаётга кўчмоқда, мамлакатларимиз етакчиларининг иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли халқларимиз янада яқинлашди, давлатлараро муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилди.

Бу жиҳатлар бугунги концерт дастурида яна бир бор тасдиқланди. Истеъдодли санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқларда халқларимиз маданиятининг бойлиги, ўзига хослиги ва шу билан бирга муштараклиги ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

*Маълумки, Ўзбекистон ташқи сиёсатида барча қўшни давлатлар билан дўстлик ришталари ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутади. Шундан келиб чиқиб кейинги йилларда минтақадаги бешта қардош давлат билан нафақат аҳил қўшничилик, айни чоғда стратегик шериклик алоқалари йўлга қўйилди ва у тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буни қўшни Тожикистон билан муносабатларимиз ва турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.*

## Муносабат

Бу икки халқни умумий тарих, маданият ва маънавий қадриятлар, анъана ва урф-одатлар, кўп асрлар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ўхшаш жиҳатлар бирлаштириб туради. Мана шу омиллар Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларда муҳим мезон бўлиб келмоқда. Кейинги йилларда икки давлат раҳбарлари ўртасида йўлга қўйилган ўзаро ишончга асосланган мулоқот мамлакатларимизнинг турли соҳа ва йўналишлардаги алоқаларида алоҳида аҳамият касб этаётир. Бошқача айтганда, олий даражада ўрнатилган мулоқотлар ҳукуматлараро ва идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги яқин қўшничилик Президентимиз саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари билан 2017 йилдан бошлаб янада юқорилагани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак.

Бугун ушбу интилишлар самарасини кўриб турибмиз. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун бир нечта рақамга мурожаат қилмоқчимиз. Масалан, икки давлат ўртасида 2021 йилда улгуржи савдо айланмаси 605 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб қарийб 752 миллион долларга етди. Айтиш керакки, 150 миллион долларга тенг бўлган ўсишдаги улушнинг 100 миллион долларини экспорт, 50 миллионини эса импорт ташкил қилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга амалга ошираётган бу галги давлат ташрифи ҳам алоқаларимиз изчиллигини таъминлашга ҳамда натижа ва ютуқларимиз салмоғини янада оширишга хизмат қиладиган воқеликларга бой тарзда кечаётганини алоҳида айтиш зарур.

Масалан, олий даражадаги музокара якунида икки давлат Президентлари Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу ташриф давомида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг барча йўналишини қамраб олишга қаратилган 28 та ҳужжат имзоланди. Улар орасида саноат соҳасида, саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик, маданият ва туризм соҳаларидаги шериклик, агросаноат мажмуидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича "йўл хариталари" ҳамда Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Суғд вилояти, шунингдек, Қашқадарё вилояти ва Хатлон вилояти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган "йўл хариталари" ҳамда бошқа ҳужжатлар борлиги ҳам истиқболдаги ҳамкорлигимиз қандай бўлишидан дарак бериб турибди.

Умуман, ўзининг мазмун-моҳияти ва муҳим ҳужжатларга бойлиги билан ажралиб турган ушбу ташрифни ҳамкорлик алоқаларимизнинг янги даврини бошлаб берадиган тарихий воқеа бўлди дейишимиз учун етарли асослар бор.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — МУҲИМ МАСАЛА

*Бугунги кунда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова бошчилигидаги ишчи гуруҳ хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича Жиззах вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.*

Айни жараёнда маҳаллалардаги ишсизликни бартараф этиш, норасмий тарзда фаолият олиб бораётганларни расмийлаштириш, рўйхатдан ўтмасдан ишлаётган тадбиркорларни тегишли тартибда имтиёзли миқдордаги солиқ таклифлари билан рўйхатга олиш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Дастлабки ўрганиш натижасига кўра Жиззах шаҳрининг "Иттифоқ" МФЙда ўтган йили "аёллар дафтари"га 365 хотин-қиз киритилган бўлиб, шундан 10 нафарига субсидия асосида тикув машинаси, 53 нафарига тадбиркорлигини ривожлантириш учун кредитлар ажратилган. Қолаверса, 53 нафар хотин-қиз ширинликлар тайёрлаш ва тикиш-бичиш бўйича ўзини ўзи банд қилган, 35 нафари эса мономарказда касб-ҳунарга ўқитилган.

Шунингдек, Жиззах шаҳрининг "Олмазор" МФЙдаги текстиль корхонаси ҳамда стол-стул ишлаб чиқариш цехи ходимлари билан мулоқот ўтказилди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг Жиззах вилоятидаги ўрганишлари давом этмоқда.

## Сенатор ва ҳаёт

# «МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ» ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

*Юртимизда маҳалла даражасида муаммоларни аниқлаш ва самарали ҳал этиш, ижтимоий ҳимоя тизимининг манзиллилиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.*

Бу борада маҳаллада қабул қилинаётган қарорларнинг ҳаққонийлиги ҳамда асослилигини таъминлаш мақсадида маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва "маҳалла еттилиги"нинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш долзарб аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб айни кунларда Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Андижон вилояти фуқаролар йиғинларидаги "маҳалла еттилиги" фаолияти ўрганилмоқда.

Хусусан, ишчи гуруҳ Жалақудуқ туманидаги "Бешкарам" ва "Тўрачеки" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб "маҳалла еттилиги", аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Ана шу жараёнда аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг Андижон вилоятидаги ўрганишлари давом этмоқда.

* * *

Сенаторлар иштирокидаги бундай тадбирлар Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги "Қашқар" ҳамда "Собиробод" маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ташкил этилди.

Мулоқот давомида "маҳалла еттилиги" вакиллари билан бирма-бир суҳбат ўтказилди. Уларга "Маҳалла еттилиги" — Кенгаш — Сенат" уч бўғинли ҳамкорлик механизми моҳияти тушунтириб берилди.

Маҳаллада аҳолининг ижтимоий хизматлардан хабардорлигини ошириш, одамларнинг муаммоларини ҳал этиш, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни сақлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, айниқса, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни муносиб иш билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Сенат аъзолари маҳалла фаоллари ва нуронийлар билан учрашиб, бу ердаги муаммолар, маънавий муҳит, "маҳалла еттилиги" ҳамда аҳоли ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорлик хусусида фикрлашдилар.

Ўз навбатида, маҳаллалардаги қурилиш объектлари, мактаблар, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, ёшлар инновацион марказлари фаолияти кўздан кечирилди.

# БОЖХОНА ПОСТЛАРИДА ТАДБИРКОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР ҚАЙ ДАРАЖАДА?

*Шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар божхона постларида ўрганишлар олиб бормоқда.*

Навбатдаги манзил — Тошкент вилояти божхона бошқармаси тасарруфидаги "Яллама" чегара божхона пости бўлди.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият жараёнларини амалга оширишдаги муаммолари ўрганилиб, уларга божхона соҳасида янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида маълумот берилди.

Бундан ташқари, ўрганиш жараёнида ишчи гуруҳ аъзолари чегара божхона постида товар ва транспорт воситаларини назоратдан ўтказишда ва контрабанда ашёларини ноқонуний олиб ўтишга қарши курашишда фойдаланиладиган махсус техника воситаларининг ишлаш жараёни билан танишди.

Сенатор томонидан чегара божхона пости масъул раҳбарларига божхона қонунчилиги ижросини таъминлаш, йўловчи ва ҳайдовчилар билан мулоқотда хушмуомала бўлиш, постга кириб келишдан тортиб божхона расмийлаштируви якунлангунга қадар жараёнда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар божхона бошқармалари тасарруфидаги чегара ва ташқи иқтисодий фаолият божхона постларидаги ўрганишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ЁШ ПАРЛАМЕНТАРИЙЛАР ЎЗАРО ФИКР АЛМАШДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси ҳузуридаги Ёшлар парламентлари вакиллари ўртасида видеоконференцалоқа шаклидаги учрашув бўлиб ўтди.*

## Мулоқот

Унда икки мамлакат парламентларининг ёш аъзолари ўз давлатида ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантиришга қаратилган фаолият ҳамда лойиҳалар юзасидан фикр алмашди.

Ёш парламентарийларимиз жамоатчилик мониторингини олиб бориш мақсадида ўнга яқин вазирликлар билан учрашувлар ташкил этилгани ва ҳамкорликда қатор лойиҳалар йўлга қўйилаётгани, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида боғлар ташкил қилинаётгани ҳамда ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан хавфсиз ва самарали фойдаланиши бўйича амалий чоралар кўрилаётгани тўғрисида маълумот бердилар.

Учрашувда томонлар 2024-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик меморандумини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни имзолади.

"Йўл харитаси"да Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ёшлар сиёсатининг долзарб масалалари бўйича давра суҳбатлари, ҳар икки давлатда таҳсил олаётган ва ишлаётган ёшлар билан юзма-юз ёки масофадан туриб учрашувлар ҳамда турли тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган.

Учрашув якунида томонлар ўзаро манфаатли соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

## Семинар

# Аграр соҳа: ҲОСИЛДОРЛИК ВА РЕНТАБЕЛЛИК

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси билан ҳамкорликда "Қишлоқ хўжалигида замонавий техникаларни қўллашнинг афзалликлари ва самарадорлиги" мавзуида семинар ўтказилди.*

Қайд этилганидек, охирги йилларда қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини кенгайтириш, инновацион технологиялар, илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, аграр соҳада илғор техникаларни қўллаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш бўйича бир қатор самарадорлик кўрсаткичларига эришиш белгилаб берилган бўлиб, бу борада ҳам салмоқли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Жумладан, 2030 йилгача ҳосилдорлик кўрсаткичини пахта бўйича ўртача 45 — 50 центнерга, ғаллада 80 — 85 центнерга, сабзавот, полиз, картошка уруғлик таъминотини 50 фоизга, экспорт ҳажмини йилига 10 млрд. долларга етказиш ҳамда соҳага 15 млрд. доллар миқдорида инвестиция жалб қилиш, бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш каби муҳим кўрсаткичлар кўзда тутилган.

Мазкур устувор вазифалар ва самарадорлик кўрсаткичларига эришишда аграр соҳани замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш ўта долзарб масала ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб изчил чора-тадбирлар кўрилаётир. Масалан, ишлаб чиқаришнинг янги механизми, яъни кластер тизими йўлга қўйилиб, фаолияти қўллаб-қувватланди ва уларда "амалиёт — илм — инновация" тизими уйғунлаштирилди. Натижада маҳаллийлаштириш қишлоқ хўжалиги машиналарида ўртача 60, ғалла ўриш комбайнларида 30, тракторларда 25 фоизга етказилди.

Соҳада лизинг тизимининг рақобат асосида фаолият юритишига ҳам кенг имконият яратилди. Лизинг компаниялари маҳсулот етиштирувчиларга молиявий кўмак кўрсатувчи тизим сифатида алоҳида қўллаб-қувватланди. Муҳими, деҳқон ва фермерлар учун молиявий енгилликлар яратилди.

Тадбирда шу каби ютуқлар баробарида аграр соҳани замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш борасида айрим муаммолар борлиги таъкидланиб, уларни бартараф этиш масаласи чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги техникалари маънан эскиргани, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси қониқарсиз эканлигига эътибор қаратилди.

Семинарда қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий қилишдаги мавжуд муаммоларни таҳлил этиш орқали илмий хулосалар асосида уни ривожлантириш истиқболларини белгилаш бўйича яхлит тизим яратиш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янги босқичга олиб чиқиш ва қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналарида маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарурлиги урғуланди.

Семинар якунида соҳани ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ ВА ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## АҲОЛИ БИЛАН УЧРАШУВЛАРНИНГ БОШ МАВЗУСИ БЎЛМОҚДА

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан очиқ мулоқот қилиш, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишиш мақсадида ҳудудларда учрашувлар ўтказмоқда. Очиқ мулоқотларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонунчиликдаги янгиликлар, парламентда инсонпарварлик тамойиллари асосида фуқаролар манфаатларидан келиб чиқиб қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилиб, бу бўйича кенг маълумотлар тақдим этилаётир.*

## Депутатлар — ҳудудларда

### Таъсирчан парламент назорати — амалда

Парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Хаитов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлардан иборат ишчи гуруҳ аъзолари Жиззах вилоятида аҳоли билан мулоқотлар ўтказди.

Ишчи гуруҳ аъзолари дастлаб Мирзачўл тумани ҳокимлиги мутасаддилари ҳамроҳлигида тумандаги "Kamels Cattle" кўп тармоқли фермер хўжалиги даласида аграр соҳа ходимлари билан суҳбатлашди.

Мазкур фермер хўжалиги пахта, ғалла, чорва ва полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда 10 та доимий ва 30 та мавсумий иш ўринлари яратилган. Фермер хўжалиги аъзолари ўтган йили 50 минг долларлик полиз маҳсулотларини экспорт қилди. Айни пайтда хўжаликда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Фермер хўжалиги дала шийпонида бўлиб ўтган очиқ мулоқот чоғида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган янги қонунлар, жумладан, ер участкаларига бўлган мулк ва ижара ҳуқуқини эътироф этишга қаратилган қонуннинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилди. Хусусан, ушбу қонун орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишнинг аниқ тартиби белгиланаётгани айтиб ўтилди.

Учрашувда Мирзачўлда Сайхунобод тажрибасини оммалаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди, ўринли таклифлар ўртага ташланди. Ўз навбатида, мирзачўллик аграр соҳа ходимлари ўзларини ўйлантираётган масалалар юзасидан депутатларга бевосита мурожаат қилиш, барча саволларига батафсил жавоб олиш имкониятига эга бўлишди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг кейинги учрашув манзили — "Faxr Mumin Tekstile" корхонаси бўлди. 2021 йилда ишга тушган мазкур корхонада айни пайтда 130 нафар ишчи-ходим доимий иш билан таъминланган. Уларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил қилади.

Депутатлар корхона фаолияти билан яқиндан танишиб, мирзачўллик чеварлар билан суҳбатлашди, уларнинг самарали меҳнат қилиши учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Вилоятдаги учрашувлар давомида аҳоли ва жамоатчилик вакиллари сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида сезилаётганини, одамларнинг яшаш шароитлари яхшиланганини қайд этдилар.

Ишчи гуруҳ аъзолари Президентимиз раислигида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқаришни такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ҳам ўрганди.

### Сайловчилар таклифлари эшитилди

Қонунчилик палатаси депутатлари Шуҳрат Шарафутдинов ва Мавлуда Ибрагимованинг Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги аҳоли билан ўтказган учрашувлари ниҳоятда қизғин кечди.

Учрашувда дастлаб қонунчиликдаги сўнгги янгиликлар, жумладан, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясидаги 5 та устувор йўналиш ва 100 та мақсаднинг мазмун-моҳияти, хусусан, таълим тизимини янада такомиллаштириш, аёллар бандлигини таъминлашга оид устувор вазифалар юзасидан маълумотлар берилди.

Айни чоғда "маҳалла еттилиги" фаолияти йўлга қўйилгани жойларда аҳоли муаммоларини самарали ҳал этиш имконини бераётгани, фуқаролар билан ишлашнинг бундай тартиби давлат органлари ва аҳоли ўртасида ўзаро яқинлик ҳамда ишончли ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқаётгани алоҳида қайд этилди.

Мулоқотларда сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари эшитилди. Шу билан бирга, аниқланган айрим масалалар ечими назоратга олинди.

### Янги микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилди

Қонунчилик палатаси депутати Гулбаҳор Саидғаниеванинг Фарғона вилояти, Бағдод туманида аҳоли билан учрашувлари сайловчиларнинг фаоллиги ва қизғин савол-жавоблар руҳида ўтмоқда.

Хусусан, тумандаги "Қўштегирмон" МФЙда жойлашган 40-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган учрашувда кейинги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида маълумот берилди.

Бағдод тумани "Қўштегирмон-1" ва "Қўштегирмон-2" МФЙда яшовчи аҳоли вакиллари билан ўтган мулоқотлар давомида фуқароларни ўйлантириб келаётган масалалар ўрганилди ва мутасадди идора вакиллари билан уларга ижобий ечим изланди.

Маълум бўлишича, мазкур маҳаллалар туман марказидан 16 — 18 километр олисда жойлашган. Аҳоли туман марказига бориб келишда транспорт тақчиллиги ва йўл ҳақининг қимматлигидан азият чекиши айтилди.

Депутат тумандаги аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи "Соҳибтранс" МЧЖ вакиллари билан бирга ушбу муаммони тезкор ҳал этиш чораларини кўрди. Маҳалла аҳолиси учун янги микроавтобус қатнови йўлга қўйилди. Йўл ҳақи ҳам анча арзонлаштирилди.

Самимий мулоқотлар чоғида депутат аҳоли вакилларига қуйи палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳалари, жумладан, мулк ва ижара ҳуқуқини эътироф этишга қаратилган қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини тушунтирди.

### Мурожаатлар назоратга олинди

Қонунчилик палатаси депутати Наврўз Ризаев ҳамда ЎзЛиДеП фаоллари иштирокида Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маълум қилинганидек, бугунги кунда ушбу илм масканида 15 йўналишда аграр соҳа учун замонавий мутахассислар тайёрланмоқда. Йил якунига қадар институтнинг 200 дан зиёд талабалари ҳамда улар билан бирга тютор вазифасини бажариш учун 5 нафар ёш ўқитувчини ҳақ тўланадиган хорижий амалиётга ва стажировкага юбориш режалаштирилган.

Институтда талабалар учун аудиториялар сиғимини ошириш мақсадида ўқув муассасасининг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан бўш турган томат цехи биносининг бир қисмида жами сиғими 160 ўринли 4 та аудитория ҳамда ўқитувчилар хоналарини таъмирлаш ишлари якунланган.

Мулоқот чоғида институт тасарруфидаги 2 та кўп қаватли бинони ётоқхонага айлантириш масаласи кўтарилди. Олийгоҳда бугунги кунда 1 600 нафар талаба таҳсил олаётгани, уларни ётоқхона билан таъминлаш долзарб экани айтилди. Мазкур масала назоратга олинди.

Шунингдек, депутат ва партия масъуллари Оқдарё туманидаги иқтисодиёт сектори вакиллари, банк ходимлари, тадбиркор ва фермерлар билан учрашди, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар билан танишди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан молия идораларида муҳим янгиланишлар рўёбга чиқарилаётгани, банкларнинг очиқ ва шаффофлиги, мижоз учун кафолатли ҳамда хавфсиз хизмат кўрсатилаётгани замон талабига мос экани алоҳида таъкидланди.

Халқ вакили оқдарёлик тадбиркор Шерзод Неъматов ташкил этган хусусий тиббий клиникада ҳам бўлиб, ушбу муассаса мутахассислари ва унда даволанаётган мижозлар билан мулоқот қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида, айниқса, рақобатбардош дея таъриф олган хусусий тиббиёт тизимида сўнгги йилларда амалга оширилаётган катта ўзгаришлар ҳақида йиғилганларга кенг тушунчалар берилди.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.*

**«Халқ сўзи».**



# «ЯШИЛ МАКОН» ВИЖДОН ИШИДИР

*Дарахт ва буталарнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти қанчалик муҳимлиги барчамизга яхши аён. Кўкка бўй чўзиб турган салобатли дов-дарахтлар, кўкаламзор жойлар кўзни яшнатиши билан бирга, ҳаво мусаффолигини ҳам таъминлайди. Яшаётган маконни яшилликка буркаш, боғу бўстонлар барпо этиш инсон ҳаётини боқийликка дахлдор қилади.*

## Акс садо

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатимизда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳамда иқлим ўзгаришларига миллий ечим сифатидаги ноёб лойиҳа бўлди, десак, янглишмаймиз. Зеро, ушбу лойиҳа замирида автомобиль ва турли русумдаги машиналар, логистика ва техника воситалари қуршовида қолган маконга асл табиатни туҳфа этиш, кўчат экиш ва боғ яратиш ётади.

Лойиҳага кўра ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатининг экилиши БМТ Иқлим ўзгаришлари бўйича Париж битими доирасида 2030 йилгача узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикаси иқлим ўзгаришига қарши курашиш чора ва ҳаракатларни кучайтириш борасида олган халқаро мажбуриятнинг амалий ечимидир.

Президентимиз раислигида шу йил 29 март куни “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, йўллар ва каналлар бўйидаги ерларни талабгорларга тўғридан-тўғри шартнома асосида 10 йилга бериб, 5 қатордан кўчат эктириш тизимини ҳозирги мавсумда амалга ошириш орқали кўплаб дарахтзорлар яратиш, бу йил топшириладиган 2,5 мингта кўп қаватли уй ҳудудининг 30 фоизида, 38 та “Янги Ўзбекистон” массивининг ҳар бирида камида 1 гектардан яшил хиёбонлар ташкил қилиниши белгиланди. Шунингдек, ижтимоий муассасаларга 4 миллиондан зиёд кўчатлар бепул етказиб берилади.

Боиси яшил масканлар, истироҳат боғлари қанча кўп бўлса, одамларимиз уларда шунча мароқли ҳордиқ чиқаради. Охирги йилларда аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, яшил майдонларни кенгайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганининг сабаби ҳам шунда. Биргина 2023 йилнинг кўчат экиш мавсумида 200 миллиондан ортиқ дарахт ва бута кўчатлари экилди. Сўнгги беш йилда эса Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 2 миллион гектардан ортиқ майдонда қурғоқчиликка ва шўрга чидамли ўсимлик кўчатлари экилди ёки уруғлари сепилди.

Ушбу жараёнга депутатлик корпуси вакиллари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, жорий йил 4 март куни Ўзбекистон Экологик партияси фаоллари ҳамда унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Оролбўйи ҳудудида ўрмонзорлар барпо этишга ҳисса қўшиш, шунингдек, долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида Мўйноқ туманида “Парламентнинг Оролга нигоҳи” мавзуида хайрия ҳашари ташкил этилди.

Сирасини айтганда, сўнгги йилларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар кенг қулоч ёйди. Чунки катта йўллар четига ўн қатордан дарахт экиш ташаббуси шовқинни ютиш баробарида, автотранспортлардан чиқаётган заҳарли газларни ҳам тозалаб беради. Дарахтнинг шу каби хусусиятлари, унинг табиатдаги ўрни қанчалик муҳим эканини билган киши ушбу лойиҳанинг аҳамиятини юрак-юракдан ҳис қилади.



***Ўз навбатида, парламент томонидан соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сўнгги бир йил давомида бу бўйича 7 та қонун қабул қилинди. Шундан 3 та қонун лойиҳаси бевосита қуйи палата депутатлари томонидан ишлаб чиқилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесишга олиб келадиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққанлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, дарахтларни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков қилганлик ёки шикастлантирганлик учун маъмурий жазо чоралари кучайтирилиб, бир-бирини такрорловчи нормалар чиқариб ташланди.***

“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда эса ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар қимматбаҳо навларини қонунга хилоф равишда кесган ёки йўқ қилган шахсларга компенсациявий дарахт ва бута кўчатларини экиш ҳамда уларни уч йил давомида парвариш қилиш мажбурияти белгиланди. Дарахтларнинг қимматбаҳо навларини қонунга хилоф равишда кесганлик ёки йўқ қилганлик учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар жорий этилди.

2023-2024 йиллар давомида Қонунчилик палатаси мажлисида соҳада амалга оширилаётган ишлар юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг икки маротаба ҳамда Ўрмон хўжалиги агентлиги директорининг бир маротаба ахбороти эшитилди. Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан ушбу йўналишдаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолати 6 маротаба назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Депутатлар ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўз сайлов округларига чиққанида лойиҳа доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг моҳияти ва аҳамиятини сайловчиларга етказиш ҳамда ҳудудларда бу борадаги ишларнинг ҳолати мониторинг қилинмоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи чораги давомида депутатлар томонидан ОАВда экология масалалари бўйича 200 га яқин мақола, муносабат ва бошқа ахборот материаллари эълон қилинган.

Видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар бу борада парламент назоратини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, қуйи палата томонидан соҳада амалга ошириладиган ишларни самарали ташкил қилиш ва назорат-таҳлил тадбирларини кучайтириш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб олинди. Унда қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, парламент назорати тадбирларини ўтказиш, жойларда ўрганишлар олиб бориш назарда тутилмоқда.

Шаҳарсозликка доир қонун ҳужжатларига кўкаламзорлаштириш борасидаги мажбуриятни киритиш, браконьерликка қарши жавобгарликни янада кучайтириш, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш шулар жумласига киради.

Бу борада “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш билан бирга, амалга оширилаётган ишлар устидан самарали ва таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатамиз. Зеро, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга содиқлик тимсоли сифатида мамлакатимиз ҳудудини боғу бўстонга айлантиришга йўналтирилган лойиҳа доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этиш орқали янги Ўзбекистоннинг “яшил” тараққиёти учун ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.**

# «ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ ИСТАГИДАГИ ХИТОЙ КОМПАНИЯЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИГА, АЛБАТТА, БОРИШИ КЕРАК»

*Хоразм вилояти делегациясининг Хитой Халқ Республикасига амалий сафари доирасида ушбу мамлакатнинг йирик музофотлари ва шаҳарларида вилоятнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туризм салоҳиятига бағишланган форум ҳамда тақдимотлар ўтказилмоқда.*

## Дунё нигоҳи

Ана шундай тадбирлардан бири Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ташкил этилди. Унда йирик компания ва ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, тадбиркорлар, сайёҳлик агентликлари, ишбилармон доира вакиллари қатнашди. Ўтказилган тақдимотлар давомида Хоразм вилоятининг инвестициявий имкониятлари ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Хоразм вилояти салоҳиятига бағишлаб Шэньси музофоти Сиань шаҳрида ўтказилган навбатдаги тақдимот ҳам қизиқарли кечди.

Тадбирда Шэньси музофоти ва Савдони ривожлантириш ассоциацияси раҳбарияти, мазкур ҳудуднинг 300 га яқин компаниялари, савдо-иқтисодий ҳамда сайёҳлик уюшмалари, ишбилармон доира ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилганларга Хоразм вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар, инвесторлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ушбу мавзуда махсус видеороликлар намойиш этилди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва бу соҳадаги ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақида фикр юритилди.

Тақдимот иштирокчилари Ўзбекистонга боришга ва Хоразм вилояти билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишга катта қизиқиш билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан Шэньси музофоти Халқ ҳукумати ҳокимининг ўринбосари Чэн Чуньзян Хоразм вилоятининг турли соҳалардаги имкониятларини юқори баҳолаб, ҳудудлар ўртасида кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, тақдимот давомида Хитой ишбилармонларини қизиқтирган саволларга Хоразм вилояти мутасаддилари батафсил жавоб берди. Тадбирнинг иккинчи қисмида Ўзбекистон ва Хитой бизнес вакиллари ўртасида “B2B” ва “G2B” шаклидаги музокаралар ўтказилди.

Тор доирадаги учрашувларда турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди ва ўзаро шерикликни йўлга қўйиш бўйича бир қатор ҳужжатлар имзоланди.



Хоразм вилояти делегациясининг Хитойга ташрифи давом этмоқда.

**Ван СЮЭЦЗЮН, «China Railway Group» компанияси бош директори ўринбосари:**

— Хитойнинг Сиань шаҳрида Шэньси музофоти ва Ўзбекистон ўртасида бўлиб ўтган тақдимотда иштирок этиш барчамизга мамнуният бағишлайди.

Хитой ва Ўзбекистонни ўзаро дўстона алоқалар ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик бирлаштириб туради. Умид қиламизки, ушбу савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туризм форуми ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Мен Хитой темир йўллари соҳасида фаолият юритаман. Бугун бу ерга мамлакатингиздан келган ҳамкасблар билан фикр алмашдик. Бизда яхши қурилиш лойиҳаси бор. Умид қиламизки, лойиҳамиз муваффақиятли бўлади.

**Янь ЦЗИ, Марказий Осиё бўйича Шэньси стандартлар тадқиқот маркази эксперти:**

— Шэньси музофоти ҳукумати ва Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси томонидан Сиань шаҳрида уюштирилган савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туризм форумида иштирок этдик. Ва ўтказилган тақдимот ҳамда маърузалар давомида юртингизнинг Хоразм вилояти, у ерда хорижий инвесторлар учун яратилган қулайликлар ҳақида билиб олдик.

Тадқиқот марказимиз Шэньси музофотида бозорни тартибга солиш билан боғлиқ жамоат товарлари учун амалий бўлимдир. Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда Хитойга жўнатилиши мумкин бўлган 20 тоифадаги маҳсулотлар мавжуд. Мамлакатимизга экспорт қилинадиган маҳсулотлар Хитой сифат ва қадоқлаш стандартларига мос келиши керак. Шэньси стандартлар тадқиқот маркази бу борада яқин кўмакчи бўлади.

**Чжан ЦЗИН, тадбиркор:**

— Бугунги тақдимотда иштирок этиб, Хоразм вилоятидаги инвестициявий муҳит ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни олдик. Биз Хоразм вилояти билан қурилиш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз ва яқин кунларда мамлакатингизга бориш режамиз бор.

Мен, шунингдек, Хэнан компанияларининг Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга киришини ва қўшма лойиҳаларда иштирок этишини жуда хоҳлайман.

Инвестиция киритиш истагидаги Хитой компаниялари Хоразм вилоятига, албатта, бориши керак деб ҳисоблайман.

**«Дунё» АА.**
Пекин

# ЗАМОНАВИЙ ИЛМ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ҲАР ҚАНДАЙ КАСАЛЛИКНИ ЕНГИШ МУМКИН

*Таниқли ватандошимиз, онкология соҳасидаги йирик мутахассис, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилшод Зукирович Зикирёхўжаев билан Тошкент шаҳрида, у кишининг 75 йиллик қутлуғ таваллуд айёми арафасида учрашдик. Домла, анъанага кўра, ҳаётидаги ана шундай қувончли воқеаларни киндик қони томган табаррук диёр — Ўзбекистонда нишонлайди.*

*Суҳбатдошимиз Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилиб вояга етди, туз-насиба экан, кейинчалик қардош Тожикистон заминида машҳур олим ва моҳир жарроҳ бўлиб шаклланди. Бугунги кунда эса Москва шаҳрида яшаб, П. Герцен номидаги илмий-тадқиқот институтида фаолият юритмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Евроосиё мамлакатларининг Онкология ва рентген радиологияси марказлари ҳамда институтлари директорлар ассоциациясининг вице-президенти, турли мамлакатларнинг онкологлар жамиятлари аъзоси сифатида онкологик касалликларни илмий ўрганиш ва даволаш бўйича халқаро алоқаларни ривожлантириш масалалари билан шуғулланиб келмоқда. Ўз ҳаётини инсон саломатлигини асрашдек улуғ ишга бағишлаган муҳтарам юртдошимиз Тожикистон Миллий фанлар академияси ҳамда АҚШ Академик жамиятининг академиги ҳисобланади.*

*Эътиборлиси, Дилшод Зикирёхўжаев тез-тез Ўзбекистонда бўлиб, ҳамкасбларига зарур маслаҳатларни беради, юртимиз тиббиёт ходимларига хорижлик мутахассислар билан тажриба алмашишда ёрдам кўрсатиб келади.*



## Интервью

— Онкологик касалликларнинг кўпайиб бораётгани бугунги кунда бутун инсониятни ташвишга солаётган муаммодир, — дейди олим. — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, 2022 йилда дунё миқёсида 19 миллиондан зиёд инсонлар саратон хасталигига чалинган ва 9,7 миллион нафар киши ана шу дарддан вафот этган.

МДҲ, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида бу борадаги кўрсаткичнинг ўсиб бораётгани, менимча, замонавий диагностиканинг имкониятлари, яъни хавфли ўсмаларни аниқлаш даражасининг ортиши билан боғлиқ.

Ўзбекистонда кейинги йилларда онкологик касалликларни даволаш бўйича ёрдам кўрсатиш хизматини ривожлантириш борасида жиддий қадамлар қўйилаётганини яхши биламан. Бу соҳада махсус дастурлар амалга оширилмоқда, ихтисослаштирилган марказларни ташкил этиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг илғор, юқори технологик усулларини, хусусан, скрининг дастурларини жорий қилиш, беморлар учун қулай шароитларни яратиш ва даволаш самарадорлигини ошириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга катта-катта маблағлар ажратилмоқда. Жаҳондаги етакчи марказлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

***— Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда тиббиёт соҳаси жуда тез ривожланмоқда. Аммо одамлар ҳали ҳам саратонни ўлим билан тугайдиган бедаво дард сифатида қабул қилишмоқда...***

— Албатта, онкология соҳасида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ҳали кўп. Улардан бири ва энг жиддий ташвиш уйғотадигани — аҳолининг онкологик хасталикларни келтириб чиқарадиган омиллар, касалликнинг табиати, профилактикаси, диагностикаси ҳамда даволаш борасидаги имкониятлар ҳақида етарлича билим ва маълумотларга эга эмаслиги билан боғлиқ.

***— Дилшод Зукирович, айтинг-чи, сиз ўзингиз онкологияда кенг тарқалган тушунча ва тасаввурларга қўшиласизми ёки уларни инкор этасизми? Саратон чиндан ҳам бедаво касалликми?***

— Бугунги кунда агар касаллик эрта босқичларда аниқланса, саратоннинг кўплаб турларини муваффақиятли даволаш мумкин. Замонавий юқори технологиялар ҳатто энг кичик ҳажмдаги ўсмани ҳам аниқлаш имконини беради. Касалликка аниқ ташхис қўйилгач комплекс тарзда, яъни хирургик, кимёвий, нур ёрдамида ёки гормонал ва иммунотерапия йўли билан даволаш чоралари белгиланади.

Касалликнинг охирги босқичларида эса 90 фоиздан зиёд ҳолатларда беморлар умрини узайтириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берадиган паллиатив терапия усули билан даволаш тавсия этилади. Кўплаб мамлакатларда оғир касалларни парвариш қилиш учун хоспислар очилмоқда. Афсуски, Марказий Осиё мамлакатларида тиббий ёрдамнинг ушбу тури етарли даражада ривожланмаган. Менимча, бундай ҳолат халқларимизнинг менталитети билан боғлиқ бўлиб, беморнинг яқинлари, ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан унга ўз уйида, оиласи даврасида ғамхўрлик қилишни маъқул кўради.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратишни истар эдим. Малакали тиббий ёрдамга муҳтож бўлган кўплаб одамлар ҳали ҳам гиёҳлардан тайёрланган битта дамлама билан касалликларни “даволайдиган” сохта табибларга мурожаат қилаётгани мени қаттиқ ташвишга солади. Кўп йиллик тажрибам давомида мен бундай ғайриилмий усул ва воситалар орқали тузалиб кетган бирор беморни учратмадим. Маслаҳатим шуки, қимматли вақтни асло йўқотманг, ўз вақтида мутахассисга боринг!

***— Саратон наслдан-наслга ўтадими?***

— Саратоннинг кўкрак бези, тухумдон, ингичка ва йўғон ичак каби айрим турларида ирсий омил роль ўйнаши мумкин. Аммо ривожланиб кетишининг олдини олса бўлади. Бунинг учун мунтазам текширувлардан ўтиб туриш, саломатликка эътиборли бўлиш лозим.

Бугунги кунда касалликка наслий жиҳатдан мойиллик бор ёки йўқлигини аниқлаш учун кўплаб мамлакатларда чуқур генетик тадқиқотлар ўтказилмоқда. Албатта, бундай хизматнинг нархи анча қиммат туради. Лекин шунга қарамасдан, бизнинг минтақамизда ҳам бундай текширувларни ривожлантириш зарур. Бу борада скрининг текширувлари жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бундан ташқари, сизга яхши маълумки, Ўзбекистонда ҳар бир оиланинг барча аъзоси соғлиғи ҳолатини доимий кузатиб борадиган, эҳтимолий наслий касалликларни аниқлайдиган, кузатувни ташкил этадиган, ўз вақтида ташхис қўйишга йўналтирадиган оилавий шифокорлар тизими йўлга қўйилган.

***— Бу касалликнинг олдини олса бўладими?***

— Агар одамлар кўпинча етарли баҳо бермайдиган хавф омиллари ўз вақтида бартараф этилса, қарийб 30 — 50 фоиз ҳолатда онкологик касалликларнинг олдини олиш мумкин.

Хавф омиллари ўзи нима? Бу, аввалambор, ўтказиб юборилган сурункали касалликлардир. Одамнинг ўз соғлиғига эътибор бермаслиги оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

Яна бир хавф-хатар омили, бу — семизлик. Шунинг учун рационал ва соғлом овқатланишга амал қилиш зарур. Ортиқча вазнга эга бўлган инсонларда оғир касалликлар, жумладан, қандли диабет ва онкологик касалликларга чалиниш эҳтимоли сезиларли даражада ошади.

Жисмоний фаолликнинг йўқлиги, жароҳатлар, стресслар, алкоголизм ва кашандалик ҳам касалликка чалиниш хавфини кучайтиради. ЖССТ маълумотларига қараганда, ўпка саратони дунёда энг кўп тарқалган онкологик касаллик ҳисобланади. Бу касалликка чалинганларнинг аксарияти чекувчилардир. Бугунги кунда Осиё мамлакатлари аҳолиси ўртасида тамаки чекиш кенг тарқалиб бораётгани туфайли дунёда ушбу турдаги касалликка чалинганлар бўйича статистик кўрсаткич ўсиб бормоқда.

Атроф-муҳитнинг ҳолати ҳам бу борадаги вазиятга таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, автомобиллардан чиқаётган зарарли газлар ўпка трахеясидаги ўсмаларга сабаб бўлаётгани исботланган. Бельгиялик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра гавжум чорраҳаларга яқин уйларда яшайдиган аҳоли онкологик касалликларга кўпроқ чалинаётгани маълум бўлди.

Албатта, касалликка чалинишда муайян иқлим шароитларининг ҳам таъсири мавжуд. Мисол учун, Европа мамлакатлари аҳолиси ўртасида ўпка саратони тез-тез учраётган бўлса, Осиё мамлакатлари аҳолиси қуёш радиацияси туфайли тери саратони билан кўпроқ касалланади.

***— Саратонни даволайдиган дори-дармон борми?***

— Бугунги кунда онкологик касалликларни даволаш учун бир қатор дори воситалари қўлланилмоқда. Бу таргет препаратларидир. Ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган мамлакатларда консерватив даволаш усули хирургик даволашдан кўра кўпроқ қўлланилмоқда. Бундай усулдан фойдаланилганда беморларнинг яшаб қолиш кўрсаткичи ва ҳаёт сифати операция қилинганидан кейинги ҳолатдан ёмон эмас, ҳатто баъзи ҳолатларда ундан яхши ҳам. Бунда ўсмага қарши юқори самарали ва инсон организми учун зарари камроқ бўлган препаратлардан фойдаланилмоқда. Тўғри, бундай препаратлар жуда қиммат туради. Нега деганда, уларни яратиш учун тадқиқотлар олиб бориш, дунёдаги юзлаб етакчи олимлар, энг илғор лаборатория ва институтлар иштирокида тажрибадан ўтказиш ўнлаб йилларни талаб этади. Табиийки, буларнинг барчаси дорининг таннархига таъсир қилади. Лекин, биламизки, кейинчалик бундай дориларнинг нархи тушиб, сотиб олиш имконияти кенгайиб боради.

***— Дилшод Зукирович, саволларимизга батафсил жавобларингиз учун раҳмат. Охирги савол, айтинг-чи, сиз онколог шифокор, шу соҳани яхши биладиган олим сифатида нимани орзу қиласиз?***

— Дунёда инсон ҳаётидан, унинг соғлиғидан ортиқ неъмат, бойлик йўқ. Шундай экан, мен, биринчи навбатда, онкологик касалликлардан азият чекаётган инсонлар кам бўлса, дейман. Шифохоналаримизда фақат ва фақат ўз ишининг устаси бўлган юқори малакали тиббиёт ходимлари ишлашини истайман.

Юқори технологиялар касалликларга ташхис қўйиш ва даволашни ривожлантиришга ниҳоятда ижобий таъсир кўрсатди. Бироқ, шу билан бирга, улар шифокорни бемордан узоқлаштирди. Ахир бемор учун шифокорга бўлган ишонч, у билан дардлашиш, қалб кечинмалари билан бўлишиш нақадар зарур экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат-ку! Мен кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, айнан бемор ва шифокор ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамда самимий мулоқот касалликни енгиб ўтишда 50 фоиз муваффақиятни таъминлайди.

Инсоният ўз тарихи давомида ўлат, вабо, сил, қизамиқ каби кўплаб даҳшатли касалликлар устидан ғалаба қозонган. Кейинги йилларда онкологлар аёлларда учрайдиган бир қатор саратон касалликларини муваффақиятли даволашни ўрганишди. Мен вақти келиб, ушбу хасталик устидан тўла-тўкис ғалаба қозонилишига ишонаман. Бунинг учун илм-фанни қўллаб-қувватлашимиз ва ривожлантиришимиз, соҳада ҳамкорликни чуқурлаштиришимиз, одамлар ҳаётини яхшилаш, тиббий ёрдамни ривожлантириш ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун зарур бўлган барча чорани кўришимиз лозим.

Келгуси ҳафтада Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида МДҲ мамлакатлари онкологларининг 16-съезди бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистондан ҳам ёш мутахассислар, шунингдек, тажрибали шифокорлар, олим ва амалиётчилар иштирок этади. Биз онкологиянинг энг долзарб муаммоларини кўриб чиқамиз. Умид қиламанки, илмий муҳокама ва мулоқотлар ушбу касалликка қарши курашиш ҳамда олдимизда турган ўта муҳим вазифаларни ҳал этишда навбатдаги муҳим қадам бўлади.

**Журналист Феруза КУБАРЕВА суҳбатлашди.**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

## Фидойи фахрийлар шарафланди

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг бир гуруҳ нуронийларига “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони топширилди.*



Тантанали маросимда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов мукофотланганларни табриклаб, юртимизда кекса авлод вакилларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганини, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Содиқжон Турдиев, мазкур жамғарма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, таниқли журналист Шароф Убайдуллаев мукофотларни ўз эгаларига топширди.

## Танловнинг энг асл ва ёрқин томошаси

*Яқинда Дубай (БАА) шаҳрида “Дубай гранд фестиваль” халқаро болалар театрлари танлови бўлиб ўтди.*

Грузия, Мўғулистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, БАА вакиллари иштирок этган мазкур танловда мамлакатимиз “Томоша” болалар мусиқали театр-студияси “Ўзбек сувенири”, “Ўзбекистон армуғони” номли театрлаштирилган томошалари билан қатнашиб, Гран-при соҳибига айланди.

Ўзбек миллий қадриятлари, маданий мероси, осориатиқалари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур бадиий театрлаштирилган дастур бутун дунёдан йиғилган томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

## Археологик топилмалар кўргазмаси

*Самарқанддаги “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети қошидаги Арт-резиденцияда Шаржа амирлигининг археологик топилмалари кўргазмаси очилди.*

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда қайд этилганидек, бундай кўргазма аввал Япония, Испания ва Бельгияда юқори даражада ташкил этилган. 2020 йил Лиссабондаги Миллий археология музейида “Шаржа археологияси” кўргазмаси очилди ва Португалия музейшунослик ассоциацияси томонидан эътироф этилди.

Мазкур кўргазма 22 майгача давом этади.

## АКТга бағишланган театр фестивали

*25 — 30 апрель кунлари мамлакатимизда илк бор “XXI аср болалари” биринчи халқаро болалар театрлари +IT фестивали бўлиб ўтади.*

Маданият ҳамда Рақамли технологиялар вазирликлари, IT таълим уюшмаси ва Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри ҳамкорлигида ташкил этиладиган ушбу фестивалда Ўзбекистон, Озарбайжон, Россия, Беларусь, Грузия, Кипр каби давлатлардан олтмишга яқин ижодкорлар иштирок этиши кутилаётир.

## Инвестиция форуми бошланди

*Наманган шаҳрида “Наманган — Хитой” инвестиция форумига старт берилди.*

Тадбир доирасида “Made in Namangan” миллий маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилиб, унда енгил саноат, чарм пойабзал, электротехника, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва мебелсозлик соҳаларидаги 300 дан кўп корхоналар томонидан 2,5 мингдан зиёд маҳсулотлар намойиш қилинди.

Икки кун давом этадиган форум дастуридан вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини кўрсатувчи ҳамда маданий ва сайёҳлик тадбирлари ҳам ўрин олган.

**«Халқ сўзи».**

# БИР БУРДА НОН ҚАДРИ



**Пешку туманидаги Талисобун қишлоғида яшаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Назар Шеров яқинда юракка оғир ботадиган воқеалардан бирини айтиб берди.**

### Таассуф

— Шаҳар, қишлоқларни душмандан озод қилаётганимизда ертўлаларда жон сақлаган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, чўпдай озғин болаларга дуч келардик, — дейди 98 ёшли хотираси тиниқ отахон. — Улар бизни кўра солиб олдимизга югуришар, бир бурда нон илинжида “Дядя, дай хлеб”, дея жажжи қўлларини чўзишарди... Бугун-чи, орамизда шундай азиз неъматни исроф қилаётганлар, қадри баланд егуликка беписандлик билан муносабатда бўлаётганлар ҳам учраб тургани ачинарлидир.

Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйлар яқинидаги чиқинди йиғиш майдончаларининг бири олдидан ўтаётиб беихтиёр Назар отанинг шу сўзлари ёдимизга тушди. Гап шундаки, майдонча четида чамаси бир қоп нон уюлиб ётар, улар орасида бус-бутун буханкалар ҳам учрайди.

— Афсуски, айрим одамлар нон қадру қимматини унутиб қўйишмоқда, — дейди чиқинди йиғиш майдончасида ишлаётган ўрта ёшли аёл. — Моғорлаган, ушатилгану шу кўйи ейилмаган нонларни ташлаб кетишади. Кўриб турганингиздек, уларни офтобда қуритамиз. Кейин қопга соламиз. Қорамол ёки қўй боқадиганларга берамиз. Бир ҳафтада олти қоп нон бўлади. Нариги ахлатхонада бундан ҳам кўп тўпланади.

Қизиқиш устунлик қилиб, қўшни ахлат йиғиш майдончасида ишлаётган ишчидан бу ҳақда фикрини сўрадик.

**— Айтгани ҳам истиҳола қиласан киши, тавба деймиз, айрим ноинсофлар нон бўлакларини чангюткичдан чиққан ахлатга ва яна алланимабалоларга аралаштириб ташлаб кетишади, — дейди у. — Уларни тозалаб, бирма-бир саралаймиз. Эссиз, шу нонлар қанча-дан-қанча камбағал оилаларнинг рўзғор ташвишини енгиллаштириши мумкин эди. Уй бекалари, айниқса, ёшларимиз ноннинг қадрига етишлари керак...**

Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳрида биргина “Яшнобод махсустранс” корхонасига қарашли 93 та чиқинди йиғиш майдончаси бор. Уларнинг ҳар бирида ҳафтасига ўртача уч-тўрт қопдан нон бўлаклари тўплланганида ҳам бу азиз неъматнинг қанчадан-қанчаси исроф бўлаётганини тасаввур этиш қийин эмас.

— Яқинда Тошкент шаҳрида қолипли нон (буханка) нархи хийла қимматлади, — дейди пиру бадавлат отахонлардан бири Шодиқул Тўхтаев. — Табиийки, буни турлича талқин қилиш ҳоллари кузатилди. Ўғлим фермер бўлгани учун яхши биламан: буғдойни етиштиришдан тортиб, уни тайёр нон ҳолига келтиришгача бўлган жараён жуда катта меҳнат, куч-ғайрат, маблағни талаб қилади. Шундай экан, ноннинг қадрига етайлик.

Ўйлаб қоласан киши: кундалик ҳаётимизда ҳеч бир таом дастурхонда нон бўлмаса, татимайди. Бундан чиқадики, дунёда нон ўрнини боса оладиган неъматнинг ўзи йўқ. Жаҳоннинг қай бир гўшасида одамларнинг тўйиб овқатланмаётганини, гўдакларнинг оч-наҳор, бир бурда нонга зор юрганини-ку айтмай қўя қолайлик.

Мақоламиз бошида тилга олганимиз Назар отага келсак, у салкам 79 йил ўтибди ҳамки, суронли уруш йилларида норасида гўдакларнинг нон сўраб қилган илтижоларини унутолмайди. Мабодо, нон увоғи ерда ётганига кўзи тушса, эвараларига дакки беради. Келинларига нонни увол қилмаслик кераклигини уқтиради. Шундай фаровон кунларга етказганига шукрона айтаркан, бугунги тўқликнинг қадрига етиш, ризқ-рўзимизнинг ушоғини бўлса-да, исроф қилмасликни такрорлашдан эринмайди.

Қанийди, отахоннинг бу ҳаётий сабоқлари нуронийлару мураббийлар томонидан ҳар бир оила даврасида, боғча-ю мактабларда ҳам йўлга қўйилса, шунда ёшларимиз нон, тинч ва фаровон ҳаёт қадрини янада чуқурроқ англаб етишармиди...

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРАДИ

*Республикамизнинг энергетика тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган “Москва энергетика институти” миллий тадқиқот университетида “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” деган бош ғоя асосида театрлаштирилган тантанали тадбир ташкил этилди. Мусиқа садолари, карнай-сурнай оҳанглари янграды, тадбир иштирокчилари баҳорнинг анвойи гуллари билан кутиб олинди.*

### Шукуҳ

Университетда ташкил этиладиган ҳар бир тадбир расмийликдан холи, ўзига хос тарзда ўтказилади. Бу гал ҳам тадбир очиқ деб эълон қилингач, талабалар томонидан тайёрланган сценарий асосида концерт дастури, миллий спорт ўйинлари намойиш этилди, саҳна кўринишлари ижро қилинди. Шунингдек, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти миллий таомлари танлови ўтказилди.

— “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш, республикада яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш кўзда тутилган, — дейди “МЭИ” миллий тадқиқот университети ижрочи директори, профессор Ҳожиакбар Далиев. — Умуман, мамлакатимиз бўйича 444 та яшил боғ барпо этиш белгиланган. Бу ҳазилакам гап эмас. Умуммиллий лойиҳа доирасида ҳар бир ташкилот, корхона ва муассаса томонидан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Мазкур лойиҳага университетимиз профессор-ўқитувчилари жамоаси ва талаба ёшлар ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Университетда ўтказилган дарахт экиш акциясига маҳалла фаоллари ва кўнгилли ёшлар ҳам жалб қилинди. Тадбир доирасида бир гектардан зиёд майдонга 500 дан ортиқ арча, олма сингари мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Энг муҳими, ҳар бир кўчат “Яшил макон” платформаси орқали рўйхатга олиниб, уларнинг парвариши учун масъул шахслар бириктирилди, униб-ўсиши назоратга олинди. Бундай тадбирлар ёшларимизни табиатга нисбатан эътиборли бўлиш, Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов, Энергетика вазирининг ўринбосари Азизхўжа Қабулов, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари қатнашди. Байрам сўнгида профессор-ўқитувчилар жамоасининг фаол иштирокчилари, бир гуруҳ талаба-ёшлар таълим муассасасининг ташаккурнома ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СПОРТ хабарлари

## Чавандозларимиз ҳеч кимдан кам эмас

*Шу кунларда Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида от спортининг конкур йўналиши бўйича жаҳон кубоги мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтмоқда.*



Мукофот жамғармаси 2,6 миллион еврога тенг мазкур спорт анжуманида Ўзбекистон вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этаётир. Жумладан, ҳамюртимиз Нуржон Туякбоев “Квинтус” лақабли тулпори билан баландлиги 160 сантиметр бўлган тўсиқлардан от сакратиш йўналишида финал йўлланмасини қўлга киритди.

Энди спортчимиз жаҳон кубоги финал баҳсларида етакчилик қилаётган швециялик Хенрик фон Эккерманга қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

Мусобақа 20 апрель куни якунига етади.

## Ғалаба онлари яқин

*Қатар давлати пойтахти Доҳада спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоги мусобақаларининг тўртинчи босқичи бўлиб ўтмоқда.*



Дастлабки кун доирасидаги саралаш баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз Оксана Чусовитина таяниб сакраш дастурида 13.049 балл тўплаб, финал йўлланмасини қўлга киритди.

Яна бир вакилимиз Абдулазиз Мирвалиев эса эркин машқ дастурида 13.800 балл жамғарди ва медаллар учун курашиш имкониятини сақлаб қолди.

Кеча Расулжон Абдураҳимов параллель брусда, Оксана Чусовитина эса эркин машқ ва тўсин йўналишида беллашувларда иштирок этди.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

# Инвестор ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 29 майдаги 4343-қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг замонавий талаб даражасида ҳамда арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини оширишга оид Президентнинг 2022 йил 8 февралдаги 118-қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ тасарруфидаги Чилонзор тумани, 9-мавзе, Чўпонота кўчаси, 21 “А”-уйда жойлашган 3500 $м^2$ (0,35 га.) бўлган бўш ер майдонида Тошкент шаҳар ички ишлар органлари ходимлари учун кўп қаватли тураржой биноларини “тайёр ҳолда топшириш” шартлари билан давлат-хусусий шериклик асосида қуриш бўйича инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари мутасаддиларини ҳамкорликка таклиф этамиз.

Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларидан қуйидагилар талаб қилинади:

1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси;
2. Ушбу ташкилотнинг ташкилий тузилиши бўйича маълумот;
3. Унинг охирги уч йиллик (2021, 2022 ва 2023 йиллар) молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (охирги уч йиллик “Ф-1” ва “Ф-2” ҳисоботлари, пудрат шартномалари, объектни фойдаланишга топшириш бўйича нусхаларини илова қилиши шарт);
4. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
5. Солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома ҳамда ишчи-ходимлари тўғрисида маълумот (солиқ ҳисоботида кўрсатилган ишчилар сони “миллий меҳнат. уз” базасига тўғри келишини исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт);
6. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси ҳамда қурилиш техникаси ва кичик қурилиш механизмлари тўғрисида маълумот (техник паспортларнинг нусхалари бўлиши шарт);
7. Қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа таклифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўринишда);
8. Қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва қурилиш шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда);
9. Қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли тураржой биноларидаги хонадонларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун имтиёзли арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат таклифи);
10. Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биноси жойлашган ҳудудда қўшимча равишда алоҳида трансформатор, автомобиллар тураржойи, чиқинди ташлаш жойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт;
11. Таклиф учун лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносининг қаватларини ер майдони жойлашган туман бош архитектори билан маслаҳатлашган ҳолда келишиши лозим;
12. Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагидаги инвестор ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари 2024 йилнинг 15 май кунига қадар танлов юзасидан қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 87-уй.**
**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси**
**Телефон: 71-206-44-08.**
**Қурилиши режалаштирилаётган объект манзили: Тошкент шаҳар ИИББ тасарруфидаги Чилонзор тумани, 9-мавзе, Чўпонота кўчаси, 21 “А”-уйда жойлашган 3500 $м^2$ (0,35 га.) бўлган бўш ер майдони.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 14 590 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6